XALQ DEPUTATLARI CHILONZOR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 6 - may II-59-67-14-204-K/22 Chilonzor tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4907-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4907-сон қарорининг 3 бандида белгиланган (Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номини бериш) топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Чилонзор туман комиссиясининг 2022 йил 11 мартдаги 06-сонли Баённомасига асосан Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Чилонзор туман комиссияси раиси ўринбосари А Хатамовнинг.“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4907-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги маълумоти қабул қилинсин.

2. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Чилонзор туман комиссияси (Ш.Мавлонов):

Чилонзор тумани “Катта Дўмбиробод” МФЙ ҳудудидаги Наққошлик 2-тор кўчасини номини (Наққошлик кўчасидан Тахиатош кўчасига бўлган чегарада) Ўткир Ҳошимов кўчасига, ҳамда шу муносабат билан туман ҳудудидаги Наққошлик 3-тор кўчасини Наққошлик 2-тор кўчасига ўзгартириш масаласи ўрнатилган тартибда кўриб чиқилсин ва ижроси таъминлансин.

3. Ушбу баёнда қайд этилган топшириқларнинг ижросининг назорати туман ҳокимининг ўринбосари, туман комиссия раиси ўринбосари А.Хатамов, Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш ва экология бўйича доимий комиссияси (А.Мирюнусов) зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **Ш.Мавлонов**